

САЛОМДАН ОЛДИНГИ ДУО

05:00 / 04.01.2017 6785

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам (намозда) дуо қилиб: «Эй, бор Худоё, албатта, мен Сендан қабр азобидан дўзах азобидан, тириклик ва ўлим фитнасидан, Масийҳи Дажжолнинг фитнасидан паноҳ тилайман», дер эдилар».

Бошқа бир ривоятда: «Эй, бор Худоё, албатта, мен Сендан гуноҳдан ва қарздан паноҳ тилайман». Бас, у зотга бир одам:

«Бунча ҳам қарздан кўп паноҳ сўрайсиз?!» деди.

«Агар киши қарз олса, гапирса, ёлғон гапиради, ваъда берса, хилоф қилади», дедилар». Уччовлари ривоят қилишган.

Шарҳ: Ушбу дуони Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам намозда ўқиганларини бошқа бир ривоятда ҳам таъкидлаган экан.

Ушбу ҳадисдан олиндиған фойдалар:

1. Намозда ушбу дуони қилиш.
2. Қабр азоби ҳақлиги ва ундан паноҳ сўраб, Аллоҳга ёлвориб туриш кераклиги.
3. Дўзах азобидан ҳам паноҳ тилаб дуо қилиб туриш кераклиги.
4. Тириклик ва ўлим фитнасидан паноҳ сўраб, Аллоҳга ёлвориб туришлик.

Тириклик фитнаси кўпроқ молу дунёда, бола-чақада, ўлим фитнаси жон таслим қилишда ва қабрда бўлади.

5. Масийҳ Дажжолнинг фитнасидан паноҳ тилаб туриш. Бу масала баёни бундан кейин келади.

6. Аллоҳ таолога гуноҳ қилишдан сақлашини сўраб дуо қилиш.

7. Қарздор бўлиб қолишдан паноҳ сўраб дуо қилиш.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга, менга дуо ўргатиб қўйинг, намозимда дуо қилурман, деганларида у зот: «Эй, бор Худоё, албатта, мен ўзимга ўзим кўп зулм қилдим. Гуноҳларни Сендан бошқа мағфират қилмас. Бас, мени Ўз ҳузурингдаги мағфират ила мағфират қилгин. Ва мени раҳмат қилгин, албатта, Сенинг Ўзинг ўта мағфиратли ва ўта раҳмдил зотсан», деб айт» деган эканлар. Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Шарҳ: Аввал ҳадиснинг ровийси Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Абу Бакр ас-Сиддиқ розияллоҳу анҳу Ислом оламида машҳур бўлиб, эркаклардан биринчи бўлиб Исломни қабул қилгандирлар. Ислом оламидаги халифаларнинг биринчиси ва жаннатга киришликка башорат берилган ўн нафар жаннатийларнинг ҳам биринчисидирлар.

Ислом уммати бу зотни Сиддиқ (ростгўй) деб номлашган.

Исро кечасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, Масжид ул-Ақсога бориб келдим, деганларида мушриклар, ҳатто, баъзи бир мусулмонлар ҳам бу сўзга ишонмаган эдилар. Мушриклар Абу Бакрга келиб:

«Дўстинг шу кеча Масжид ул-Ақсога бориб келдим деяпти, шуни ҳам рост дерсан?» дейишди.

Шунда Абу Бакр:

«Мен унга, бундан узоқроқ жой, осмондан ваҳий келишига ишондим-у, бунга ишонмасмидим», деб жавоб бердилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мен кимни Исломга чақирган бўлсам, ҳаммаларида бир тўхташ бўлди. Фақат Абу Бакрда бундай бўлмади. У мени ҳамма нарсада рост деди», деб марҳамат қилдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларида қанчадан-қанча қабилалар Исломдан қайтиб кетишди. Бундан катта-катта саҳобалар ҳайратга тушишди. Ҳатто Умар ибн Хаттобдек саҳоба ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларини инкор этиб, қиличларини яланғочлаб, кимки, Пайғамбар ўлди деса, унинг ўзини ўлдираман деб туриб олдилар.

Абу Бакр розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига кириб сўнг қайтиб чиқдилар. Ва мусулмонларга қарата хутба қилдилар:

«Кимки, Аллоҳга ибодат қилса, У ўлмас тирик зотдир. Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам ҳам бир Расулдир. Ундан олдин ҳам Пайғамбарлар ўтди. Агар ўлса, Исломдан орқаларингга қайтиб кетасизларми? Кимки орқасига қайтиб кетса, Аллоҳга ҳеч бир нарсада зарар беролмас. Аллоҳ шукр қилган бандаларини тезда мукофотлаяжак» деб хутбани тугатдилар.

Абу Бакр розияллоху анху ҳаммаси бўлиб 142 та ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижратнинг 13 йилида вафот қилганлар.

Бу ҳадисдан дуо қилиб қўйишни сўрашни ва дуонинг матнини ўрганмоқдамиз.

Али розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ташаҳҳуд билан саломнинг орасида қуйидагиларни айтар эдилар: «Эй, бор Худоё, менинг олдин қилганимни, кейин қилганимни, махфий қилганимни, ошкора қилганимни ва ортиқча қилганимни ва Сенинг Ўзинг мендан яхши билганингни мағфират қилгин. Сенинг Ўзинг олдинга ўтказувчи ва Сенинг Ўзинг ортга сурувчисан. Сендан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ». Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Дуо ташаҳҳуддан кейин, саломдан олдин ўқилиши.
2. Намозда ушбу маънода дуо қилишнинг яхшилиги.

Миҳжан ибн ал-Адраъ розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам масжидга кириб бирдан намозни тугатиб, ташаҳҳуд ўқиётган ва: «Эй, бор Худоё. Эй, биру бору туғмаган ва туғилмаган ва Унга ҳеч бири тенг бўлмаган зот, албатта, мен Сендан гуноҳларимни мағфират қилмоғингни сўрайман, деб айтаётган кишини кўрдилар ва: «Батаҳқиқ, у мағфират қилинди», деб уч марта айтдилар». Абу Довуд ва Насий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало ушбу ҳадиси шарифнинг ровийси Миҳжан ибн ал-Адраъ розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Миҳжан ибн ал-Адраъ Асламий ал-Маданий, моҳир чавандозлардан. Мадинада истиқомат қилдилар. Кейин Басрага кўчиб ўтдилар ва ана шу ердаги масжиднинг атрофини девор билан ўраб чиқдилар.

Бу зот узоқ умр кўрдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан 5 та ҳадис ривоят қилганлар.

Бу зотдан Ҳанзала ибн Али ал-Асламий, Ружо ибн Аби Ружо, Абдуллоҳ ибн Шақийқ ва бошқалар ривоят қилишди. У киши ривоят қилган ҳадисларни уч «Саҳиҳ» соҳиблари ўз китобларига киритишган.

Миҳжан ибн ал-Адраъ ҳижратнинг 60 йили Муовиянинг халифалик даврида вафот этдилар.

Ушбу ҳадисдан олинadиган фойдалар:

1. Дуонинг ташаҳҳуддан кейин ўқилиши.
2. Киши ўз кўнглидаги дуони қилиши мумкинлиги.
3. Намознинг охиридаги дуо мақбул эканлиги.
4. Башоратли ва муҳим гапни уч марта қайтариб айтиш яхшилиги.